

Айтганларингиз Раббим учун, мен учун-чи?

08:42 / 18.12.2018 3393

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Менга бир калом ўргатинг, айтиб юрай», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

??? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??? ??????????

????? ?????? ?????????? ?????????? ?????????????????? ??????

????????? ?????????????????? ?????? ?????? ??????????????????

??? ?????????? ?????? ?????????? ?????????? ??????????

????????????? ??????????????

«Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, Аллоҳу акбар кабийро валҳамду лиллаҳи касийро ва субҳаналлоҳи роббил ъаламийн, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ъазийзил ҳакийм», деб айт», деб ўргатдилар.

(Маъноси: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У яккаю ёлғиздир. Унинг шериги ҳам йўқ. Аллоҳ жуда буюк, Аллоҳга чексиз ҳамд бўлсин, оламлар рабби Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир, ал-Азиз ва ал-Ҳаким бўлган Аллоҳдан ўзгада ўзгартириш ҳам, қувват ҳам йўқ.) Кейин ҳалиги аъробий: «Эй Расулуллоҳ, бу айтганларингиз Раббим учун, мен учун-чи?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

???????? ?????????? ??? ?????????????????? ??????????????

?????????????????

«Аллоҳуммағфир лий варҳамний ваҳдиний варзуқний» деб, айт», дедилар».

(Маъноси: Аллоҳим мени мағфират қил, менга раҳм айла, мени ҳидоят эт, мени ризқлантир.)

Имом Муслим ривоятлари.

Имом Нававийнинг “Ал-Азкор” китобидан